



ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 39
(546)
2007 йил
18 сентябрь
сешанба



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ


Мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ҳамда мазкур соҳани етук ва малакали кадрлар билан таъминлашда Тошкент Давлат юридик институтининг ўрни беқийс. Жорий йилда ушбу олий ўқув юртига ҳуқуқшунослик сир-синаотини пухта эгаллаш иштиёқидида 520 нафар талаба ёшлар қабул қилинди. Айни чоғда улар жаҳон андозалари даражасида сабоқ олишга киришдилар. Зотан, бунинг учун ТДЮИда барча шарт-шароитлар яратилган.

— Болалик орзуим рўёбга чиққанидан бехад мамунман, — дейди 3-хуқуқ факультети 1-курс талабаси Зарифа Бобоқуллова. — Келгусида ҳуқуқшунослик касбини пухта эгаллаб, бор билишим ва куч-гайратимни Ватанимиз равнақи йўлида сарф этмоқчиман.

— Дарсларга биргаликда тайёргарлик кўриш юриспруденция соҳасини чуқур ўрганишда жуда кўл келади, — дейди курсдош дугонасини қувватлаб Матлуба Раҳимова. — Барча қулайликларга эга бўлган институтимиз кутубхонаси биз учун қадрдон масканга айланди.

Бахтиёр Ақромов
олган сурат

Бўлажак ҳуқуқшунослар



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасида Суд ҳоқимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари малакасини ошириш маркази тингловчилари билан учрашувлар ўтказиш доимий анъанага айланган. Зеро, бу каби тадбирлар суд-хуқуқ тизимида олиб борилган ислохотлар жараёни ва қабул қилинаётган қонунларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳалқимизга янада чуқурроқ етказиб, ҳаётга татбиқ этишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик моҳияти

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ



Жорий йилнинг 14 сентябрида мазкур қўмита аъзолари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази тингловчилари ва профессор ўқитувчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Мазкур йўналиш мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Қарорининг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўша мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганишга ва бу борада кенг жамоатчилик орасида тарғибот-ташвиқ олиб боришга бағишланди.



Мақтуб

ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

Юртбошимиз раҳнамолигида, адолат, ҳақиқат ва қонун ҳимоясида яшайётганлигимизни яқинда яна бир бор ҳис қилдим.

Гап шундаки, 30 йил бир қорхонада, «Матлубот савдо»нинг Гурлан туман умумий оватланиш шохбасида ҳисобчи вазифасида ишлаб, пировадиди ноҳақ маломатга қолдим. Қорхонамиз собиқ раҳбари асоси бўлмаганда, мени ишдан озод қилди. Қадрдон жамоат, қариндош-яқинлар ва таниш-билишлар олдида бош кўтаролмай қолдим. Мен учун ҳақ ёки ноҳақ эканлигини ишдан бўш бўлганда йўл қўймаганди. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судга музокара қилиб, масалага аниқлик киритилишини сўрадим. Судья Зарифбой Қурбонов ишни синчиклаб ўрганди. Соҳа ходимлари қонун тантанасини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилишганига ўшанда ғувох бўлдим. Пировадиди ҳақ эканлигим аён бўлди ва ишга қайта тиклаш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди. Қарши тараф ҳам қараб турмади. Суд қарорига эътироз билдирилди.

Кейинги сафар ишни апелляция тартибда вилоят суди кўриб чиқди. Шўқри, адолат бу ерда ҳам қарор топди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция ҳайъати ишимга қайта тиклаш юзасидан биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорини ўз қўлида қолдирди.

Шу кунларда озим ёруғ. 30 йиллик жонажон ишим ва касбимга қайтиш арафасидаман.

Бу ҳақда гапирмасам ҳам бўлаверарди. Бирок, мамлакатимизда қарор топган қонун устуворлиги мўҳти, ишларнинг адолат ва ҳақиқат меъёрлари асосида кўриб чиқилаётганлигини баён этмасликни ўзимга лозим топмадим.

Илтимос, истиқлолимиз шарофати тўғрисида яратилган қонунларнинг ҳалқимиз манфаатларига беҳимнат хизмат қилаётганлигини ва уни адолат тарозисига тенг торган суд маҳкамасидан биз — фуқаролар астойдил миннатдор эканлигимизни газетангиз саҳифалари орқали ҳаммага маълум қилсангиз. Самимий ҳурмат билан:

Замира ҚУЧҚОРОВА,
Гурлан тумани

ЖИНОЯТ ИШИ СУДГА ЮБОРИЛДИ

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан Марғилон шаҳар ХТБга қарашли 5-сонли болалар богчасида ўтказилган текшириш материаллари билан танишиб чиқилиб, 2007 йил 30 июндаги қарор билан мазкур боғчанинг мутасадди раҳбар ходимларига ҳамда боғчада мукамал таъмирлаш ишларини баҳарган «Стар» хусусий фирмаси раҳбариятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми, 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши кўзга тилди.

Сиз томондан юборилган фуқаро М.Қўчқорованинг 5-сонли болалар боғчаси мудири Д.Аҳмедовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ҳам юқорида қайд этилган жиноят ишига қўшилиб, Марғилон шаҳар прокуратураси томонидан

тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Тергов ҳаракатлари яқинда юқорида қайд этилган боғча мудири Д.Аҳмедова, шаҳар халқ таълими бўлими бош муҳандиси М.Тиллабоев ва «Стар» хусусий фирмаси раҳбари А.Ғайбовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а, б, в, г» бандлари ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан айб эълон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан 2007 йил 31 августда жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судига юборилиб, бу ҳақда ариза муаллифига 2007 йил 31 августда жаваб хати жўнатилди.

М.ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Adliya yordam berdi

ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ БЎЛМАНГ

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодийётида унинг салмоғи орттишини таъминлаш мақсадига тадбиркорларга янада қулай тақшилий-хуқуқий шароитлар яратиш, давлат тузилмаларининг тадбиркорлар фаолиятига аралашувини чеклаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

Жорий йилнинг 29 март куни Олий Мажлис Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-1 моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Қонун тасдиқланди. Унда қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш ёки унинг фаоли-

тига гайриқонуний аралашуш учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Республика мубофиқлаштирувчи Кенгаш фаолиятини фаолаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан адлия органлари зиммасига тадбиркорлар ҳуқуқларини



ҳимоя қилиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатлари бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарлигини таъминлаш каби вазифалар юқуқчилигининг таъминлашга қўйиш, юқоридаги моддада қайд этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этган шахсларга нисбатан қонуний қоралар кўришмоқда.

Масалан, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Савдо департаменти бўлими бошлиғи А.Кенжаев «Гренада омад юдузи» МЧЖ, «Алишер Сарбо» ва «Мехриг» қорхоналарида олғуричи савдога руҳсатнома беришда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ортиқча ҳужжатлар талаб қилган. А.Кенжаев бу ҳаракати билан тадбиркорлик субъектларининг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан адлия органи ходимла-

ри томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судига юборилди. Суд қарори билан Х.Аҳмедов Ўз.Р.МЖТКнинг 241-1-моддаси билан айбдор деб топилди, унга энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорда жарима солинди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун тўлиқ қонуний асослар мавжуд ва уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий назоратидадир.

Нўмон МУҲАММАДИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Фуқаро С.Норқулова-нинг тахририга ёзган аризаси Халқ банки Жиззах вилоят филиали раҳбари ва банк мутасадислари томонидан С.Норқулова иштирокида ўрганиб чиқилди.

КРЕДИТ АЖРАТИЛАДИ

Аниқланишича, С.Норқулова қорвончилик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида банкдан 2 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш учун ишлаб чиқилган бизнес режани қайиниси Б.Норқулов орқали банкка бериб юборган. Бизнес режа талаб даражасида қонуний расмийлаштирилмаган, муҳр босилмаган, олиниши режалаштирилмаган кредитнинг мақсади кўрсатилиб, банкнинг Зафаробод филиали бошқаруви омонига белгиланган тартибда ариза билан музокара қилинмаган ва банк филиалида бандлик жағмараси ҳисобидан имтиёзли кредит олувчиларнинг рўйхатида қайд этилмаган. Ушбу ҳолатни С.Норқулова муҳокама жараёнида тан олди ва бу ҳақда тушунти-

«ИНСОН ВА ҚОНУН» га жавоб берадилар



риш хати ёзиб берди.

С.Норқулова билан учрашув пайтида кредит олиш учун лозим бўлган барча тегишли ҳужжатлар банк ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилиб, расмийлаштирилди ва банк филиалининг кредит қўмитаси томонидан қўриб чиқилиб, миқзога кредит ажратилиш тўғрисида яқуний хулоса қабул қилинди. Бир ҳафта ичида хусусий тадбиркор С.Норқуловага кредит ажратилди.

Ўз навбатида, С.Норқуло-

ЗАРАР ҚОПЛанаДИ

Қашқадарё вилояти Қашаши туманидаги «Тўрақон қизи Гулжамол» фермер хўжалиғи бошлиғи Т.Абравнинг 2007 йил ҳосили учун 10 гектар лалми майдонга ғалла эканлиги, ғалла майдонини баҳор ойда Мароқаш чигиртқаси зарарлаганлиги ва тегишли ташкилотлар томонидан чигиртқа қарши бир неча марта ишлов берилишига қарамастан жиддий зарар етказганлиги бўйича ёзган аризаси вазирлик мутасадислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам «Тўрақон қизи Гулжамол» фермер хўжалиғи ғалла майдонини баҳор ойда Мароқаш чигиртқаси зарарлаган.

Қашқадарё вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармасининг 2007 йил 15 августдаги 03/91-сонли хатига қўра, айни кунда Мароқаш чигиртқаси зарар етказган ҳудуддаги бир неча фермер хўжалиқлари, шу жумладан «Тўрақон қизи Гулжамол» фермер хўжалиғига етказилган зарарни тўлаб бериш бўйича «Узғорусуқта» ДАСК Қашаши тумани филиали ходимлари тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

М.ОЛИМОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиғи Вазирлиги мажмуа раҳбари ўринбосари

Вилоят прокуратураси томонидан Самарқанд тумани «Мулиён» қишлоғида яшовчи фуқаро И.Қосимовнинг Самарқанд шаҳрида «Бофанда» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Аҳроровнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси мутасадислар иштирокида кўриб чиқилди.

ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

Аниқланишича, Самарқанд вилоят хўжалик судининг 2002 йил 22 апрель ва 2004 йил 6 сентябрдаги «Бофанда» АЖнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича жами 60718 минг сўмлик қарздорлигини мол-мулк ҳисобидан ундириш бўйича суд қарорлари чиқарилган.

Суд қарорларига асосан Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлинимаси томонидан мол-мулкларни хатланиб, ким ошди савдоси орқали сотилган.

Текширишда жамият мансабдор шахслари 2007 йил 1 август ҳолатига 1 миллион 399,7 минг сўмлик дебитор ва 448,5 минг сўмлик кредитор қарздорларнинг тўлов мuddати ўтишига йўл қўйишганликлари аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан 2007 йил 31 август кунини жамият директори К.Холматов ва бош ҳисобчи А.Абсаматовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар кўзга тилди.

Бундан ташқари, ариза муаллифи И.Қосимов томонидан ижарага олинган жамият ошқонаси ижара тўловлари ўз вақтида тўланмаган, хизмат кўрсатишдан тушган 790 минг сўм нақд пуллар белгиланган тартибда назорат касса машинаси-дан чек ёки квитанциялар берилмаган, нақд пуллари инкассация шартномаси асосида банкка топширилмасдан қорхона хазинасига кириб қилинганлиги аниқланди.

Текшириш натижасига қўра, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида «Бофанда» акциядорлик жамияти бошқарувига тақдимнома киритилди.

Б.НУРМУХАМЕДОВ,
Самарқанд вилоят прокурори 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

